O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Majburiy bepul nusxa

XDP O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ VATAN – BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 16-oktabr • Shanba • 121 (31.241) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Бугун эл-юртимиз ҳаётида қувончли бир кун. Мамлакатимиз пахтакорлари 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этиб, катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар.

Ҳақиқатан ҳам улкан ва шарафли меҳнат самараси бўлмиш мана шундай маррага эришганингиз билан ўз касбининг устаси ва фидойиси бўлган сиз, азми қатъий деҳқон ва фермерларимизни, барча қишлоқ меҳнаткашларини чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Албатта, бу йилги мавсумнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида кўп гапириш мумкин, лекин мен учта муҳим жиҳатга алоҳида эътибор қаратишни ўринли деб биламан.

Аввало, қишлоқ меҳнаткашларининг юксак уюшқоқлик намунасини кўрсатиб, ишни тўғри ва оқилона ташкил этиш ҳисобидан бу йилги ҳосилни пахтачилик тарихимизда кам учрайдиган ғоят қисқа муддатда йиғиб-териб олишга эришганини мамнуният билан таъкидлаш лозим.

Қўлга киритилган бу ютуқнинг эътиборли иккинчи томони шуки, етиштирилган пахтанинг асосий қисми юксак сифат билан тайёрланди. Мамлакатимиз бўйича биринчи навга топширилган пахта хомашёсининг улуши тахминан 90 фоизни ташкил этгани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Яна бир диққатга сазовор томони — бу йил пахтачиликда ҳосилдорлик даражаси сезиларли равишда ошгани барчамизни қувонтиради. Жорий йилда мамлакатимиз бўйича ўртача ҳосилдорлик ўтган йилга нисбатан 4 фоизга ошиб, гектаридан 26,3 центнерни ташкил этгани бунинг ёрқин далилидир.

Бундай муҳим ютуқ авваламбор барчамизни боқадиган еримизнинг унумдорлиги, шу билан бир қаторда, қишлоқ хўжалигида меҳнат самарадорлигининг тобора ортиб бораётганидан дарак беради, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бугун мана шундай қутлуғ айёмда мамлакатимизнинг юксак хирмонига муносиб ҳисса қўшган вилоятлар, туман ва фермер хўжаликларининг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Бу йилги мавсумда Навоий вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларининг пахтакорлари шартномавий мажбуриятларни қисқа муддатларда ортиғи билан адо этгани учун ҳар қанча тасаннолар айтсак, арзийди, албатта.

Шу борада Амударё, Пахтаобод, Қумқўрғон, Сариосиё, Вобкент, Гурлан туманлари сентябрь ойида, Кегейли, Олтинкўл, Избоскан, Ромитан, Шаҳрисабз, Муборак, Қизилтепа, Навбаҳор, Нарпай, Денов, Хонқа туманлари эса октябрь ойининг бошида, 20-25 иш кунида биринчилар қаторида режаларни бажариб, бошқаларга ўрнак бўлдилар.

Юқори сифат кўрсаткичларига эришган Қашқадарё, Бухоро ва Навоий вилоятларида пахтанинг 90-94 фоизи, Шаҳрисабз, Косон, Вобкент, Қоровулбозор, Қизилтепа, Амударё, Нарпай, Қумқўрғон, Сариосиё каби туманларда эса 94-97 фоизи биринчи навга топширилгани айниқса эътиборлидир.

Ҳосилдорлик бўйича юксак натижаларни қўлга киритган Қанликўл туманидаги «Ганжебек», Булоқбоши туманидаги «Барака ҳосил самараси», Ромитан туманидаги «Тўхтамурод», Касби туманидаги «Кенжа бобо Эгамбердиев», Каттақўрғон туманидаги «Ҳосил», Денов туманидаги «Маматмурод Ҳотамов», Арнасой туманидаги «Сангзор», Навбаҳор туманидаги «Муслим Мадаминов», Чиноз туманидаги «Ҳикматилла Йўлдошев», Олтиариқ туманидаги «Нуробод», Наманган туманидаги «Навбаҳор намунаси», Сирдарё туманидаги «Тинибек бобо», Хонқа туманидаги «Бекажон Собирова» каби фермер хўжаликларида — бундай ажойиб ютуқларга эришган хўжаликлар сонини яна кўплаб келтириш мумкин — гектаридан 45-50 центнер ва ундан ҳам юқори ҳосил олинганининг ўзи деҳқончилигимиз тарихига янги саҳифа бўлиб кириши шубҳасиз.

Кўпчиликнинг эътиборини, ҳайрат ва ҳавасини уйғотадиган, жорий йилда эришган ютуқларимиз негизида ётган мезон ва омиллар ҳақида алоҳида гапиришни зарур деб биламан.

Аввало, бунинг замирида кейинги йилларда ғўза селекцияси масаласига катта эътибор қаратиб, Ўзбекистоннинг ҳар қайси ҳудуд ва минтақасига мос бўлган, касалликларга чидамли, эртапишар ва серҳосил, юқори даромад берадиган навларни яратиш ва танлаш, уларни районлаштириш бўйича олиб бораётган кенг кўламли ишларимиз мужассам экани барчамизга аён.

Айни вақтда замонавий агротехнологияларнинг жорий этилгани, ҳосилни зараркунандалардан ҳимоя қилишда биологик усуллардан кенг фойдаланилгани, барча агротехник тадбирлар, жумладан, дефолиация ўз вақтида ва сифатли ўтказилгани ютуқларимизда ҳал қилувчи омил бўлганини таъкидлаш лозим.

Шу борада бундан уч йил олдин қабул қилинган, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган дастуримизнинг аҳамияти, моҳияти ва самарасини, ўйлайманки, баҳолашнинг ўзи қийин. Бу фикрнинг тасдиғини қуйидаги рақамлар яққол ифода этади. 2008-2010 йиллар давомида мамлакатимиз бўйича 37 минг километрдан ортиқ, шу жумладан, 35 минг километрлик туманлар ва хўжаликлараро коллектор ва дренаж тармоқларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш ҳисобидан 740 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бунинг учун мамлакатимиз бўйича тахминан 300 миллиард сўм маблағ йўналтирилганининг ўзи бу масалага қандай катта эътибор бераётганимизнинг исботидир.

Албатта, қўлга киритган ютуқларимизнинг пойдевори бўлган, улкан маблағ, куч ва имкониятларни талаб қиладиган бундай дастур ва тадбирлар ҳақида гапиришимиз табиий. Лекин, қишлоқ хўжалиги соҳасини самарали бошқаришни замонавий даражага кўтариш йўлида чуқур ислоҳотларни амалга ошириш, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб бериш, уни деҳқончиликнинг ҳал қилувчи бўғинига айлантириш, шунинг ҳисобидан далада ишлаётганларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш ва рағбатлантириш бу борада энг муҳим аҳамият касб этмоқда.

Биз бугунги кунда деҳқон ва фермерларимизнинг дунёқараши тобора юксалиб, ерга, меҳнатга муносабати тубдан ўзгариб, уларда ўз ерига ҳақиқий эгалик ҳиссиётининг кучайиб бораётганини қишлоқ ҳаётини обод ва фаровон этишнинг, эл-юртимиз қўлга киритаётган барча марраларнинг асосий шарти ва гарови деб биламиз.

Ҳеч кимга сир эмас — ҳар қандай ютуқнинг пировард натижаси даромад билан — бу қишлоқ хўжалик ходими ёки оддий деҳқоннинг даромади бўладими, туман ёки вилоят, қоларверса, давлат бюджетига тушадиган маблағ бўладими — ҳамма қилаётган ишларимизнинг самараси даромад ва яна бир бор даромад билан ўлчанади. Шу маънода, бу йил пахтачиликдан олинадиган умумий даромад тахминан 2 триллион сўмдан зиёд бўлиши ва ўтган йилга нисбатан 35 фоизга кўпайиши кутилаётгани барчамизга мамнуният бағишлайди.

Халқимизда даромадга яраша буромад, деган оқилона ҳикмат бор. Шу нуқтаи назардан қараганда, қўлга киритган даромад ҳисобидан янги-янги мактаблар, лицей ва коллежлар, шифохоналар, қишлоқ врачлик пунктлари, маданият ва спорт масканларини қуриш, қишлоқларда қулайлик нуқтаи назаридан шаҳардагидан асло кам бўлмаган замонавий уйжойлар барпо этиш, йўлларни таъмирлаш, аҳолини табиий газ, ичимлик суви билан таъминлаш, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада ошириш борасида олдимизда катта имконият ва уфқлар пайдо бўлишини барчамиз яхши тушунамиз.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Мана шу хурсандчилик дамларида барчамизни ёруғ кунларга етказиб, эл-юртимизни ўз паноҳида асраб, биздан марҳаматини дариғ тутмасдан, ҳамиша йўлимизни очиб бераётгани учун Яратганимизга шукроналар айтишимиз ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Сизларни, бутун халқимизни бугунги катта ғалаба билан яна бир бор табриклар эканман, ҳаммангизга чин қалбимдан миннатдорлик билдириб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга тинчлик-осойишталик ва қут-барака тилайман.

Меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, ҳеч қачон кам бўлманг, қадрдонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Ахборот-кутубхона фаолиятининг ҳуқуқий асослари

мустаҳкамланмоқда, халқимизнинг бебаҳо маънавий бойлигини асраб-авайлаш чоралари кўрилмоқда

Парламент фаолияти

■ Президентимизнинг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори бу тизимнинг ривожланишида муҳим омил бўлди.

Мазкур ҳужжат эълон қилинганидан сўнг мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ташкил этилиб, анъанавий кутубхоналар ўрнини замонавий технологияларга асосланган ахборот-кутубхоналар эгаллади. Бироқ ҳаёт тажрибаси соҳадаги ислоҳотларни изчил давом эттириш, бунинг учун аввало қонуний базани такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинган эди. Айни пайтда лойиҳани такомиллаштириш, иккинчи ўқишда кўриб чиқишга тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда.

Кеча Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган «Ахборот-кутубхона фаолиятининг ҳуқуқий асослари» мавзусидаги республика видеоконференцияси ҳам ана шу масалага бағишланди.

Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон миллий кутубхонаси, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ходимлари, соҳа мутахассислари иштирок этди.

— Маънавият ва маърифатга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Ҳафиза Каримова. — Президентимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида таъкидлаганидек, «Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир».

Бу бойликни асраш, авлодларга ўз ҳолича етказиш бизнинг бурчимиздир. Қонун лойиҳасида ана шу жиҳатлар ҳисобга олинган. Хусусан, ахборот-кутубхона муассасалари моддий-техника таъминотини янада яхшилаш, фондларни сақлаш меъёрлари ва шарт-шароитларига тўғри келмайдиган биноларга кўчиришга йўл қўйилмаслиги белгиланган. Ахборот-кутубхона муассасаларида самарали хизмат кўрсатишни кафолатлайдиган, фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шу жумладан, жисмоний имкониятлари чекланган фойдаланувчиларни махсус техника воситалари орқали эҳтиёжларини қондиришга қаратилган асосий талаблар мустаҳкамланган.

— Кейинги йилларда мамлакатимизда кутубхоначилик соҳасини замон талаблари асосида ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда, — деди Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг ўринбосари Асаджон Ходжаев. — Аммо шу вақтга қадар соҳага оид қонун йўқ эди. Биз бошқа тегишли ҳужжатлар асосида иш олиб борар эдик. Қонуннинг пишиқ, пухта, замонавий талабларни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши соҳа фаолиятини янги босқичга олиб чиқади деб ўйлайман.

➔2



Ер юзининг сайқали

18 октябрь — Самарқанд шаҳри куни

■ Дунёда инсониятнинг бойлиги сифатида улуғланадиган, бир неча минг йиллик тарихга эга шаҳарлар у қадар кўп эмас. Улар орасида, жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган, йирик маданият маркази сифатида довруғ таратган Самарқанднинг ўз ўрни, алоҳида нуфузи бор.

Қарийб уч минг йиллик тарихга эга бу маскан Соҳибқирон Амир Темур ва темурийларнинг қудратли давлати пойтахти, илм-фан ва маърифат маскани, буюк аллома-ларга бешик бўлгани билан ҳам доимо дунё аҳли нигоҳида. Зотан, Самарқандга «Шарқ гавҳари», «Ер юзининг сайқали», «Қадимий ва ҳамиша навқирон» деган таърифу тавсифлар берилгани бежиз эмас.

Мустақиллик юртимиз тарихи ва халқимиз тақдирида бўлгани каби ушбу шаҳар ҳаётида ҳам янги саҳифа очди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва тавсиялари асосида Самарқанд шаҳрида мисли кўрилмаган қурилиш-бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди ва бу иш изчил давом эттирилмоқда. Шаҳарнинг ноёб тарихий обидалари, муқаддас қадамжоларини обод этиш, асраб-авайлаб, келгуси авлодларга асл ҳолича етказиш билан бирга, уларнинг замонавий қиёфасини яратишга ҳам катта эътибор қаратилди.

Бу саъй-ҳаракатлар, айниқса, 1996 йилда халқаро миқёсда нишонланган Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, 2007 йилда ўтказилган Самарқанднинг 2750 йиллик юбилейи ва бошқа муҳим саналар арафасида янада кенг қулоч ёйди.

➔2

Эътироф

— Ярмарка давомида мамлакатингиздаги қатор пахтани қайта ишлаш заводларига бордик, саноатнинг бу йўналишига илғор ва замонавий технологиялар жалб этилаётгани, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганининг гувоҳи бўлдик. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда бу йўналишда фаолият юритувчи корхоналар Мисрникидан анча ўзиб кетган. Ярмаркада 20 минг тонна пахта толаси сотиб олиш бўйича шартнома имзоладик...»

Валид Абдулрашид БАСЮНИЙ, "Modern Bostan for Trading & Cotton Ginning" компанияси бошқаруви раиси (Миср)

— Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасидек йирик ва нуфузли тадбирда иштирок этганимдан жуда бахтиёрман. Довруғи дунёга танилган ўзбек пахтасининг юқори сифати ҳақида кўп эшитгандим. Ярмаркада компаниямиз 150 минг тонна пахта толасини сотиб олиш учун шартнома тузди. Ташриф давомида мамлакатингиз пахтачиликни ривожлантириш борасида юксак натижаларга эришганининг гувоҳи бўлдик. Ўзбекистон компаниялари билан узоқ муддатли шериклик алоқаларини йўлга қўйиш ва ривожлантириш тарафдоримиз...»

Ли Кьюн ХИАН, "Ninbo Future Import & Export" компанияси бош менежери ёрдамчиси (Хитой)

ОБ-ҲАВО 16-17.10. 2010

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	26°C	23°C
Самарқанд	24°C	22°C
Нукус	23°C	22°C
Қарши	27°C	26°C
Урганч	23°C	22°C
Навоий	24°C	22°C
Фарғона	23°C	20°C
Бухоро	24°C	22°C
Андижон	23°C	20°C
Наманган	23°C	20°C
Термиз	27°C	26°C
Жиззах	24°C	22°C
Гулистон	24°C	22°C
Тошкент вил.	24°C	22°C
Лондон	13°C	12°C
Париж	13°C	14°C
Москва	8°C	9°C
Мадрид	15°C	14°C
Пекин	15°C	12°C
Гонгконг	23°C	20°C
Рим	14°C	11°C
Анқара	11°C	9°C
Токио	17°C	14°C
Стокгольм	9°C	8°C
Кейптаун	14°C	11°C
Қоҳира	16°C	12°C
Гавана	24°C	25°C
Вашингтон	11°C	10°C

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2010 ЙИЛ 12 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1600,52	1 Миср фунти	285,12	1 СДР	2544,85	10 Жанубий Корея вони	14,51
1 Англия фунт стерлинги	2586,97	1 Канада доллари	1606,70	1 Туркия лираси	1149,45	10 Япония иенаси	197,91
1 БАА дирҳами	441,95	1 Хитой юани	243,39	1 Швейцария франки	1685,62	1 Россия рубли	54,27
1 АҚШ доллари	1623,25	1 Малайзия ринггити	523,29	1 Евро	2248,57	1 Украина гривнаси	205,22

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Ахборот-кутубхона фаолиятининг ҳуқуқий асослари

(Давоми. Боши 1-бетда.)



Дарҳақиқат, амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида бугун республикамизда ахборот-кутубхона муассасаларининг умумий сони 11850 дан ошди. Биргина жорий йилнинг ўзида Давлат бюджетидан ахборот-кутубхона муассасалари фаолияти учун 47 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Шунингдек, «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида электрон кутубхона тизимини босқичма-босқич шакллантириш ва интеграциялашган ахборот-кутубхона тармоғини яратиш бўйича 2010-2015 йилларга мўлжалланган Дастур ишлаб чиқилиб, унга асосан давлат бюджети, бажарувчилар ва ҳомийлар ҳисобидан 89 миллиард сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Видеоконференция очиқ мулоқот асосида ўтди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларда ҳам бир вақтнинг ўзида конференциялар ташкил этилиб, мутахассислар жойларнинг ўзида туриб қонун лойиҳаси юзасидан мулоҳазалари ва таклифлар билдириш, фикр алмашиш, саволларига жавоб олиш имконига эга бўлдилар.

Баҳс-мунозараларда тажрибадан келиб чиқиб, ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, ахборот-кутубхона хизматларини кўрсатишнинг замонавий усулларини кенг жорий этиш, кутубхоналарнинг аҳоли интеллектуал, маданий ва маънавий савиясини ўстиришдаги ролини ошириш, таълим муассасалари ахборот-ресурс марказларини бойитиб бориш, уларни ZiyoNET ахборот тармоғига улаш борасида ҳамда бошқа аниқ таклифлар билдирилди. Шунингдек, ахборот-кутубхона ресурсларини шакллантиришда замонавий компьютер технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиш, ахборот хуружлари кучайган шароитда миллий қадриятлар ва ўзлигимизни асраш, ёшлар онги ва маънавиятини шакллантиришда ахборот оқимининг таъсири ҳамда бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар хусусида алоҳида сўз юритилди.

Анжуман якунида билдирилган таклиф, фикр ва мулоҳазалар қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Беҳзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ер юзининг сайқали

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Президентимиз ташаббуси билан ЮНЕСКО шафеълигида 1997 йилдан буён ҳар икки йилда Регистон майдонида ўтказилаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ҳам шаҳарнинг қадимий ва замонавий қиёфасига ҳамоҳанг бўлиб, шуҳратига шуҳрат қўшмоқда. Регистон майдони ва унинг атрофи, Амир Темур мақбараси ва Руҳобод майдони, Шоҳи Зинда ва Ҳазрати Хизр масжиди, Марказий истироҳат боғи, «Сиёб деҳқон бозори» ва яна бошқа кўплаб иншоот ва тарихий обидаларда қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари бажарилди. Янги боғ ва хиёбонлар ташкил этилди. Шаҳарнинг асосий магистрал йўллари кенгайтирилди, янги йўллар, кўприклар қурилди.

Кейинги йилларда бу борадаги ишлар янгича мазмун ва кўлам касб этмоқда. Жумладан, 2009 йилда шаҳарнинг ўн бешдан ортиқ асосий кўчаларида реконструкция ишлари амалга оширилди. Ибн Сино, Бўстонсарой, Регистон кўчалари атрофидаги бинолар фасади замонавий кўринишга эга бўлди. Ирригация тизимлари янгиланди, кўчаларга замонавий ёритиш устунлари ўрнатилди. Ёритишда электр қувватини тежайдиган замонавий чироқлардан фойдаланилмоқда. Ҳар бир кўча тунда жило берувчи ёритиш мосламалари билан жиҳозланди. Жумладан, Тошкент кўчасида олиб борилган катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари туфайли ушбу тарихий маскан қиёфаси бутунлай ўзгарди. Мазкур кўча фақат пиёдалар ҳаракати учун мўлжалланиб, ўзига хос сайилгоҳга айланди.

Самарқанд халқаро аэропорти ва темир йўл вокзали ҳудудида капитал реконструкция ишлари олиб борилиб, йўловчи ва сайёҳларга юқори даражали сервис хизмати кўрсатиш йўлга қўйилди. Бу икки асосий дарвоза шаҳар ҳуснига ҳусн бахш этди. Изчил давом эттирилаётган қурилиш-бунёдкорлик ишлари, ҳеч шубҳасиз, Самарқанднинг тарихий улуғворлигига муносиб бугунги замонавий қиёфасини шакллантириш, шаҳар аҳли ва меҳмонлари учун ҳар томонлама қулайликлар яратишга хизмат қилмоқда.

— Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Самарқанд шаҳрини ривожлантиришнинг бош режаси асосида олиб борилаётган ишлар самарасида кейинги йилларда шаҳримиз қиёфаси бутунлай ўзгарди, — дейди Самарқанд шаҳар ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Зойир Мирзаев. — Жорий йилнинг ўзида беш юздан зиёд иншоотда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Хусусан, Бўстонсарой, Мирзо Улуғбек, Беруний, Спитамен, Панжакент кўчаларида реконструкция ишлари олиб борилиб, йўллар кенгайтирилди. Атрофдаги бино ва иншоотлар замонавий меъморчилик анъаналари асосида қайта қурилди. Коммуникация тизимлари тўлиқ янгиланди. Ушбу ҳудудларда 11 кўп қаватли турар-жой, 20 дан зиёд маъмурий бино, 60 га яқин ижтимоий соҳа объектлари, 100 дан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталари ҳамда кўплаб хусусий уй-жойлар бунёд этилди. Йўллар кенгайтирилиши билан аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш сифати ҳам яхшиланди. Шу йилнинг ўзида шаҳардаги ички йўналишларга қўшимча равишда Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилаётган замонавий автобуслар ҳаракати йўлга қўйилди. Бекатлар, асосий кўчалар кесишмасига ўрнатилган равоқлар, йўлнинг икки четидаги замонавий ва тежамли ёритиш чироқлари, реклама паннолари, умуман, барча жиҳатлар янгиланган кўчаларга муносиб тарзда унинг янада кўркам ва аҳоли учун қулай бўлишини таъминламоқда.

САМАРҚАНДНИНГ ЙИРИК САЙЁҲЛИК МАРКАЗИ СИФАТИДА НУФУЗИ КУНДАН-КУН ОШИБ БОРМОҚДА. БУГУНГИ КУНДА ШАҲАРДА ЮЗДАН ЗИЁД ЗАМОНАВИЙ МЕҲМОНХОНАЛАР ВА САЙЁҲЛИК ФИРМАЛАРИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА. 2004 ЙИЛДА САМАРҚАНДДА ЖАҲОН САЙЁҲЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ МИНТАҚАВИЙ ОФИСИ ОЧИЛИБ, БУ ЕРДА БУЮК ИПАК ЙЎЛИДА ЖОЙЛАШГАН МАМЛАКАТЛАР САЙЁҲЛИК ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ МУВОФИҚЛАШТИРИБ БОРИЛМОҚДА.

Юртимизнинг бой тарихи ва ўзига хос меъморчилик анъаналари, аждодларимиз бунёдкорлик фазилатларидан далолат берувчи Самарқанддаги ноёб тарихий обидаларни асраб-авайлаш ва уларнинг жозиба ва салобатини яна ҳам тўлароқ намоён этиш борасида олиб борилаётган ишлар изчил давом эттирилмоқда. Президентимиз тавсиялари асосида Регистон майдони атрофи ва Улуғбек расадхонаси ҳудудида кенг миқёсдаги ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Хусусан, Регистон мажмуаси атрофида олиб борилган ободонлаштириш ишлари туфайли бу ерда 3,2 гектар майдонни эгаллаган хиёбон ташкил этилди. Ушбу майдонда 2 минг 250 тупдан зиёд Қрим қарағайи, каштан ва бошқа ноёб дарахт кўчатлари ўтқазилди. Ранго-ранг чироқлар ёғдусида камалак тусда товланувчи иккита фаввора бунёд этилди. Хиёбоннинг ўзига хос замонавий ёритиш тизими сайр қилувчиларга ором ва кўтаринки кайфият бахш этади. Айни пайтда бу сўлим маскан шаҳар аҳолиси ҳамда сайёҳларнинг севимли дам олиш жойларидан бирига айланди.

— Ушбу хиёбонда оиламиз билан тез-тез сайр қилиб турамиз, — дейди Сўзангарон маҳалласида яшовчи Дамир Толипов. — Бу ердаги осудалик, тоза ҳаво кишига ҳузур бахш этади. Регистоннинг тунги жозибаси яққол намоён бўлади.

Хиёбоннинг Тошкент кўчасига туташ ерида капитал реконструкция қилиниб, жорий йилда фойдаланишга топширилган «Самарқанд ҳунармандлар маркази» жойлашган. Бу ерда ота-боболардан мерос касбни давом эттириб келаётган ҳунармандларнинг ўзаро тажриба алмашишлари, турли кўргазмалар ўтказишлари учун кенг имкониятлар яратилган. Йигирмага яқин устахонада Самарқанднинг ўзига хос ҳунармандчилик анъаналарини давом эттириб келаётган ҳунармандлар фаолият кўрсатмоқда. «Устоз-шогирд» мактаби анъаналари асосида ёшлар сабоқ олаётир.

Самарқанднинг яна бир қутлуғ маскани — Мирзо Улуғбек расадхонаси ҳудудида жорий йилда улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Мажмуа янгича руҳ ва мазмун билан бойитилди. Мирзо Улуғбек музейининг эски биноси ўрнида замонавий бино қурилди. Музей ва расадхона ташқи девор қисми мозаика ва майёлика билан безатилди. Мирзо Улуғбекнинг муаззам ҳайкали яратилиб, мажмуа марказига ўрнатилди. Ҳайкалнинг орқа томонидаги юлдузли осмон тасвири туширилган панно эса уни мазмунан тўлдириб турибди. Бу ерда олиб борилган бунёдкорлик ишлари жараёнида мажмуа ҳудуди ва унинг атрофидаги майдонлар, йўллар, аҳоли турар-жойлари ҳам обод этилди. Расадхона ходимлари учун маъмурий-маиший бино қурилди.

— Юртбошимиз ҳар гал Самарқандга келганида бу азим шаҳарнинг шарафли ўтмиши, саодатли бугуни ва буюк келажаги ҳақида ғурурланиб гапириб, уни яна ҳам обод ва кўркам масканга айлантириш барчамизнинг бурчимиз эканини таъкидлайди, — дейди «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Ҳасан Нормуродов. — Шаҳарда амалга оширилаётган ишлар давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан олиб борилмоқда. Айниқса, бу йил Самарқанд шаҳридаги бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларининг кўлами янада кенгайди. Бугун Бўстонсарой, Мирзо Улуғбек, Беруний, Тошкент кўчалари, Регистон майдони, Улуғбек расадхонасида бўлган киши уларни таниёлмай қолиши, табиий. Дунёнинг кўплаб мамлакатлари молиявий-иқтисодий инқироз таъсиридан чиқа олмай турган бир пайтда юртимизда бундай катта ҳажмдаги қурилиш-ободонлаштириш ишларининг олиб борилаётгани давлатимиз раҳбари юритаётган оқилона сиёсат самарасидир. Буни Самарқандга келаётган хорижлик сайёҳлар, турли делегациялар аъзолари ва халқаро кузатувчилар ҳам эътироф этмоқда.

Самарқанднинг йирик сайёҳлик маркази сифатида нуфузи кундан-кун ошиб бормоқда. Бугунги кунда шаҳарда юздан зиёд замонавий меҳмонхоналар ва сайёҳлик фирмалари фаолият кўрсатмоқда. 2004 йилда Самарқандда Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Минтақавий офиси очилиб, бу ерда Буюк ипак йўлида жойлашган мамлакатлар сайёҳлик ташкилотларининг фаолияти мувофиқлаштириб борилмоқда. Ўтган ҳафта бу ерда ўттизга яқин мамлакатдан келган вакиллар иштирокида БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Буюк ипак йўлида сайёҳликни ривожлантириш масалаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Анжуман қатнашчилари Самарқандда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ЮНЕСКО рўйхатига киритилган тарихий обидалар ва маданий мерос объектларини асраб-авайлаш борасидаги ишларга юксак баҳо бериб, бу халқаро сайёҳликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Бугун шаҳардаги 192 маҳаллада 90 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ ҳаёт кечирмоқда. Янги мактаб ва коллежлар, замонавий тиббиёт масканлари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари, спорт иншоотлари, маҳалла марказлари барпо этилди. Буюк шаҳар байрами нишонланаётган шу кунларда ҳам бир қатор маҳалла марказлари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда бошқа маданий-маиший, ижтимоий соҳа объектлари фойдаланишга топширилмоқда.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири

Партия аъзосининг бурчи

Баҳс-мунозара

■ Урганч шаҳар партия кенгашида 3100 нафардан ортиқ аъзо бўлиб, уларнинг 60 фоиздан кўпини ёшлар ташкил қилади. Яқинда яна 50 нафар йигит-қиз партия аъзолигига қабул қилинди. Хўш, улар партия аъзоси зиммасидаги масъулиятни қай даражада англашади? Партия дастурий мақсадларини амалга оширишга ўзини дахлдор деб биладими?

Аввало, ҳар бир партия аъзоси онгида ушбу дахлдорлик туйғусини қарор топтириш муҳим аҳамиятга эга. Бунга эришиш учун партия сафидаги салоҳиятли аъзолар тажрибасидан унумли фойдаланиш даркор.

Масалан, бизнинг шундай фаолларимиз борки, улар партиявий тадбирларда шунчаки иштирок этмасдан, кун тартибидаги масалаларни ҳаётий мисоллар воситасида таҳлил қилади, атрофидагиларни ҳам фикрлашга, ташаббус кўрсатишга ундайди. Чунки улар ўз партиявий бурчини чуқур англайдилар. Ёш аъзолар эса сўзи билан иши бир ана шундай кишилардан ўрнак олиши зарур.

Партия сафида бўлиш фақат аъзолик гувоҳномаси билан белгиланмайди, албатта. Кишининг қайси партия аъзоси экани биринчи навбатда, унинг дунёқараши, фикрлари, умуман, эътиқодида акс этиб туриши керак. Бусиз партия на электорат манфаатини ҳимоя қила олади, на аъзолар ўртасида жипслик бўлади. Шунинг учун партия сафига кирмоқчи бўлган кишилар партия Дастуридан яхши хабардор, қолаверса, бу мақсадлар қанчалик ҳаётий экани ҳақида мустақил фикрга эга бўлиши шарт.

Шу ўринда яна бир масала. Партия йиғилиши ёки тадбирларида қатнашишни унчалик хуш кўрмайдиганлар учраб туради. Бирор мавзу юзасидан ўз фикри ва таклиф-истаги инобатга олиниши билан қизиқмайди. Бундайлар ўз бурчларини асосан аъзолик бадалларини тўлаш ва йиғилишларда қатнашиш доирасида тушунади. Бу ўринда партия ташкилотлари ва фаолларининг айби борлигини очиқ тан олишимиз керак.

Биз партиямиз дастурий мақсадлари, сиёсий партияларнинг жамиятда тутган ўрни ҳақида кўпроқ тушунтириш ишларини олиб боришимиз зарур. Партия аъзолари ўз бурчини қанчалик чуқур англаса, шунчалик масъулиятли ва фаол бўлади.

Санобар БОТИРОВА,
ЎзХДП Урганч шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати.

Корхонанинг иккинчи умри

■ «Косонсой Тўқимачи» масъулияти чекланган жамиятида маҳаллий жун толаларидан сифатли жунли кўрпа, трикотаж ҳамда гилам иплари тайёрланмоқда. Бу маҳсулотлар бозордан ўз ўрнини топаяпти.

«Косонсой-Текмен» қўшма корхонаси банкротга учраган эди. Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки тасарруфига ўтказилиб, қайтадан иш бошлади. Шу тариқа «Косонсой тўқимачи» масъулияти чекланган жамият юзага келди.

Айтиш керакки, корхоналарга яратиб берилаётган имконият ва имтиёзлар туфайли бу ерда ҳам ишлаб чиқаришни қайта тиклашга эришилмоқда. Корхона фаолиятини йўлга қўйиш жараёнида банк томонидан 210,33 миллион сўм миқдорида сармоя ажратилиб, беш йилдан буён ҳаракатсиз турган технологик линия қайта ишга туширилди. Бундан ташқари, қозонхона, сув насослари ҳамда бир қатор электрон жиҳозлардан иборат ишлаб чиқариш инфратузилмаси ҳам таъмирдан чиқарилди. 2009 йилнинг иккинчи ярмида корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш яна йўлга қўйилди. Мана, ярим йилдирки, бу ерда маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босувчи жунли ва ярим жунли маҳсулотлар, ҳар хил кўринишдаги ва ўлчамдаги гилам ва трикотаж иплари ҳамда жунли матолар тайёрланмоқда.

Шу кунда корхонада 165 ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. 2010 йилнинг тўққиз ойи мобойнида 715 миллион сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилди. Корхонадаги ишчи-хизматчилар учун барча шароитлар яратилган. Уларга текин иссиқ озиқ-овқат, махсус кийим-бош ажратилган, ишга қатнаш учун транспорт хизмати йўлга қўйилган.

Шуни таъкидлаш керакки, корхона маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босувчи тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтгани «Косонсой Тўқимачи» фаолияти барқарорлигини таъминлашда муҳим омил бўлди. Хомашё сифатида маҳаллий жун Тошкент корхоналаридан, полиакрилонитрил эса «Навоийазот»дан олиб келинмоқда.

Бундан ташқари, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга Россия ва Қозоғистон республикаларида қизиқиши катта. 2010 йилнинг ўтган даврида 192 минг АҚШ долларга трико ипини экспорт қилишга эришилди.

Акбархон МАМАДАЛИЕВ

Истиқболли лойиҳалар

Иқтисодиёт ва ислоҳот

■ Дунёнинг деярли барча давлатлари жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози билан боғлиқ муаммоларни ҳал этолмай турган мураккаб шароитда мамлакатимиз иқтисодиёти нафақат барқарор фаолият кўрсатишига, балки унинг юқори суръатда ўсишини изчил таъминлашга эришилмоқда. Бунда юртимизда банк тизими фаолияти мақсадга тўғри йўналтирилгани ҳам муҳим омил бўлмоқда.

Шу нуқтаи назардан, республикамизнинг энг йирик тижорат банкларидан бири — «Агробанк» ҳам мамлакатимиз иқтисодиётининг барча соҳаларини ривожлантириш жараёнида фаол иштирок этиб келмоқда. Хусусан, «Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банки Хоразм вилоят бошқармасининг самарали фаолияти ҳам эътиборга лойиқ.

Аниқ режалар асосида фаолият юритаётган банк асосий эътиборини бугунги кун талабидан келиб чиқиб, банкнинг капиталлашув даражасини ошириш, иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқларини молиявий қўллаб-қувватлаш, корхоналарни модернизация қилишга йўналтирилган инвестицион лойиҳаларни янада ошириш ҳамда аграр соҳа корхоналарининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича уларга молиявий кўмаклашишга қаратмоқда. Шу билан бир қаторда банк томонидан кичик бизнес субъектларининг истиқболли лойиҳаларини молиялаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Бошқарма филиалларида хизмат кўрсатилаётган мижозлар сони жорий йил 1 сентябрь ҳолатига 16905 тани ташкил қилди. Уларнинг 11427 тасини бевосита қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш билан банд бўлган корхоналар ва фермерлар ташкил қилади.

Бундан ташқари мижозларга янада қулайликлар яратиш мақсадида бир қанча банк хизмат турлари жорий қилинди. Жумладан, бозорлар ва аҳоли гавжум жойларда банкнинг махсус кассалари ўрнатилди. Ушбу махсус кассалар орқали коммунал тўловлар, Paynet хизматлари учун тўловлар қабул қилинмоқда.

Банк бошқармаси ва унинг филиаллари томонидан Президентнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, бугунги кунга қадар 3113 миллион сўмлик кредитлар ажратиш режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда эса 3206,2 миллион сўмлик банк кредитлари ажратилди. Бунинг натижасида янгидан 66 та ишчи ўринлари яратилди. Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтирилишини рағбатлантириш борасида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, жорий йил 1 сентябрь ҳолатига 2250 миллион сўмлик кредитлар ажратиш режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда эса 2786,3 миллион сўмлик банк кредитлари ажратилди. Бунинг натижасида янгидан 58 та ишчи ўринлари яратилди.

Шахсий ва фермер хўжаликларида чорва моллари кўпайтирилишини рағбатлантириш мақсадида жорий йил 1 сентябрь ҳолатига 382 та оилага қорамол сотиб олиш учун 457,2 миллион сўмлик кредит ажратилди. Шундан 225 миллион сўми имтиёзли кредитлардир.

Кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йил 1 сентябрь ҳолатига 3741,3 миллион сўмлик микрокредитлар ажратилган бўлиб, касаначиликни ривожлантириш учун 618 миллион сўмлик, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 1586 миллион сўмлик кредитлар ажратилди.

Жорий йил 1 сентябрь ҳолатига кўра ОАТБ «Агробанк» Хоразм вилоят бошқармаси томонидан 1 та савдо корхонасига жами 20 миллион сўм савдо дўконларини янгидан қуриш учун банк кредитлари ажратилган. Шунингдек, 2010 йил давомида 15 та савдо дўконларини қуриш ва таъмирлаш режалаштирилди.

Худди шунингдек, бошқарма филиаллари томонидан жами 8341,2 миллион сўмлик инвестицион кредитлар ажратилган. Бунда мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини чуқур ишлашга мўлжалланган инвестиция лойиҳалари салмоқли ўрин тутади. Банк бераётган кредитлар нафақат даромад

ЯМ-ЯШИЛ БЎСТОНГА АЙЛАНАЁТГАН ЗАМИН...

Табиатни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган хайрли ишлар ҳақида

Миллий бойлигимиз

Жами мавжудот, ер, сув, ҳаво ва тупроқ, ҳайвонот ва ўсимликлар олами битта занжир — экотизимни ташкил қилади.

Инсон ҳам шу халқанинг бир бўлагидир. Олимларнинг изоҳича, ер юзининг ҳосилдор сатҳи сайёранинг ер фонди дейилади, бу 149 миллион квадрат километрни ташкил қилади. Ер фондининг 40,3 миллион квадрат километри ўрмон ва дарахтзор билан қопланган.

Конституциямизнинг 55-моддасида ҳудудимизнинг табиий манбалари, жумладан, ер, сув ва ўрмонлар умумхалқ бойлиги деб белгиланган ва улар давлат томонидан муҳофаза қилинади.



ЎЛКАМИЗНИНГ ЎРМОН ФОНДИ

Мамлакатимизда 1992 йил 9 декабрда «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», 1993 йил 7 майда «Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тўғрисида», 1999 йил «Ўрмон ҳақида» Қонунлар қабул қилинди.

Юртимизда умумий майдони 2164 квадрат километрдан иборат 9 та давлат қўриқхонаси, 6061 квадрат километрлик 2 та миллий боғ, умумий майдони 12186,5 квадрат километрни ташкил қилган 9 та давлат буюртмахонаси мавжуд. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларимиз — 20520 квадрат километр. Бу мамлакатимиз сатҳининг 5,2 фоизини ташкил қилади.

Ўлкамизнинг 2 миллион 904 минг гектар майдони бевосита ўрмон билан қопланган. Унинг 627 минг гектари маданий ўрмонлар, қолган қисми эса табиий ўрмонзордир.

Ўрмонларимиз асосан чўл, чала чўл, тоғ, дарё бўйларида, текисликларда, водийларда жойлашган. Ўлкамиз умумий майдонининг 19,5 фоизи ўрмондан иборат. Унинг 7 миллион гектардан ортиғи чўл ҳудудида бўлиб, саксовул ва черкес ўсади. Ҳукуматимиз ана шу майдонларда қўшимча кўчатлар экиб, маданий ҳолда ўрмонзорлар барпо этишга эътибор қаратган. Тоғолди ҳудудлардаги ўрмонлар 800 минг гектар, улар арча, хандон писта, ёнғоқ ва бошқа ёввойи мевали дарахтлар билан қопланган. Бу ҳудудларда ҳам табиий ўсиши мумкин бўлган турли дарахтлар, масалан, бодом, ёнғоқ, писта ва арча экиб кўпайтирилади.

Кўргансиз, Сирдарё, Амударё, Зарафшон, Қашқадарё ва Норин каби дарё бўйларида тўранғил, жийда, тол ва юлғундан иборат қалин тўқайлар мавжуд. Уни минг хил қушлар, жониворлар макон тутган...

Ўрмонларни асраш, дарахтзорни кўпайтириш иқлим шароитимиз учун жуда катта ҳаётий аҳамиятга эга.

— Ўрмон, дарахтзор, дарё, кўл арчазор ва тўқайзорларни табиий ҳолича асраш учун ҳар биримиз қайғуришимиз керак, — деган эди бир суҳбатда биология фанлар доктори, профессор Озод Ашурметов. — Ўрмон ва ўсимликлар орасида муҳофазага муҳтож кўплаб камёб, эндем ва реликт турлар борки, йўқолиб кетса, уларни қайта тиклаб бўлмайди. Шунинг учун одамлар, айниқса, ёшлар онгига бир туп дарахтни кессам, ўрнига икки туп ниҳол ўтқазишим шарт деган тушунчани, ҳар бир гиёҳни кўз қорачиғидек асраш туйғусини сингдиришимиз керак. Ҳадисда айтиладики, ўткинчи дунёда киприк қоққунча умринг қолган бўлса-да, бир ниҳол ўтказишга шошил!

Одатда, биз энг қадимий шаҳар ва қишлоқ, халқлар ва тоғлар ҳақида кўп мулоҳаза юритамиз. Шунинг сингари ўрмон ёки ҳар туп дарахт ҳам ўз ўтмиши, тарихига эга. Аммо бу ҳақда кўп ўйлаб кўрмаймиз. Масалан, диёримиз кишилик тарихида мевали дарахтлар келиб чиққан қадимий ўчоқлардан бири ҳисобланади. Лекин буни ҳамма ҳам билмайди, билса ҳам эътибор қилмайди. Бир мисол. Бўстонлиқ тумани ўрмонларида ёввойи ҳолда ўсувчи олмалар, Сурхондарё вилоятидаги ёввойи узум ва анорзорлар ўзининг минг йиллик тарихига эга. Ҳозирги пайтда олимларимиз уларнинг генларидан фойдаланиб, янги навлар яратиш устида тадқиқот олиб боришмоқда.

Шуниси қувончлики, 2004 йилдан буён Фанлар Академияси «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш марказининг «Миллий Ботаника боғи» ва «Миллий гербарий»сида мамлакатимиз флорасининг камёб, эндемик ва реликт ўсимлик турларини сақлаш ва қайта тиклаш ишлари олиб борилаяпти.

— Мамлакатимизнинг ўрмон фондини бойитиш мақсадида халқаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратаяпмиз, — дейди Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ўрмонларни кўпайтириш ва қайта тиклаш бўлими бошлиғи Ҳожимурод Толипов. — Яқинда пистанинг ҳосилдор навларини кўпайтириш ҳамда теракчилик бўйича Туркиянинг «Тика» агентлиги билан ҳамкорлик ҳақида битим имзоладик.

Диққатимизни факт ва рақамларга қаратайлик. Биргина Қорақалпоғистон Республикаси ўрмон хўжалиги бошқармаси тизимида 11 та ўрмон хўжалиги мавжуд. Бу хўжаликларда ўтган олти ой мобайнида 1744 та асалари оилалари парвариш қилиниб, 14,8 тонна асал олинди.

Рақамларга назар ташласак, кейинги йилларда ўрмончилик тизимида амалга оширилган кенг кўламли ишларнинг салмоғи ялт этиб кўзга ташланади. Биргина мисол. Орол фожиаси туфайли минтақада юзага келган саҳроланиш, қум кўчкиси ва бўронларнинг олдини олиш, оқибатини енгиллатишга қаратилган беқиёс фитомелиорация ишлари амалга оширилди.

— Ҳудудимизда 2003 йили ўрмон билан қопланган майдон 814288 гектар бўлган бўлса, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги бошқармаси бошлиғи Аҳмад Иброҳимов. — 2009 йили бу майдоннинг ҳажми 927979 гектарни ташкил қилди. Ўтган 6 йил ичида ўрмон хўжаликлари 113691 гектар янги ўрмонлар яратишди.

КЎЧАТ ЭКИШ — САВОБ ИШ

Маълумки, ҳар йили кўкламда терак экиш, янги боғ-роғлар, хиёбонлар яратиш, айниқса, шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини замонавий ландшафт-дизайн асосида такомиллаштириш эзгу анъанага айланди. Баҳор келиши билан кенг кўламли кўкаламзорлаштириш ишлари қилинаяпти, яшил ҳудудлар йилдан-йилга кенгаймоқда. Мамлакатимизни ям-яшил масканга айлантириш учун 200 турдан ортиқ манзарали дарахт ва ўсимликлар экилаяпти. Шаҳар ва қишлоқлар, аҳоли масканлари ландшафтини безашда иқлимимизга мос бўлган эман, жўка, қайин, қарағай, каштан, магнолия, арча каби игна баргли дарахтлар экилиши одатга айланди. Бу дарахтлар, кўрк ва яшиллик манбаи бўлиб қолмай, кўпдан-кўп ис газини «ютиб», ҳавони тозалайди.

Она диёримизни ям-яшил бўстонга айлантириш ҳаракати ҳамма жойда, ҳатто олис туманларда, қишлоқларда ҳам жадал тус олгани, очиғи, кўнгилга қувонч бағишлайди. Ўрмон хўжаликлари аҳолига иқлимбоп ва сифатли кўчатлар етказиб бераяпти.

1997 йили Вазирлар Маҳкамаси каштан ва яғон сафораси кўчатларини экиш бўйича қарор қабул қилди. Шундан буён вилоятларда бу борада кўп ишлар қилинди. Бугун ўрмон хўжалиги бош бошқармасининг 600 гектар кўчатхоналарида 50 турдан ортиқ ноёб манзарали дарахт кўчатлари етиштирилаяпти. Манзарали дарахтлар кўчатлари етиштириш бўйича илмий тадқиқотларга эътибор кучайди. Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги Республика илмий ишлаб чиқариш маркази ташкил топди.

— Марказимизнинг вилоятлардаги хўжаликларида қрим қарағайи, липа, эман, ел ва оқ қайин кўчатлари етиштирилаяпти, — дейди марказ бош директори вазифасини бажарувчиси Олим Қаҳҳоров. — Манзарали дарахтлар қишлоқ ва шаҳарларимизнинг эколандшафт қиёфасини кўркамлаштираяпти. Айниқса, ўрмончиларимиз сийрак ўрмонли Сирдарё вилоятида, Фарғона водийсида кўпдан-кўп манзарали дарахтзорлар барпо этишмоқда.

Бугун шаҳар ва қишлоқ одамлари уй-жойларини яшиллик билан безашга, манзарали ва мевали дарахтлар ўтқазишга алоҳида эътибор бермоқда.

2010 йилнинг баҳорида Қорақалпоғистон Республикаси ўрмон хўжаликларида 45 гектар майдонда етиштирилган 123,7 минг дона тут, терак, жийда, япон сафораси ва бошқа турдаги мевали дарахт кўчатлари аҳоли масканлари, шунингдек, корхоналарни кўкаламзорлаштиришга, 146,3 минг дона дарахт кўчати эса кам таъминланган оилаларга текин етказиб берилди.

Республикамизда 100 га яқин ўрмон хўжаликлари бўлиб, ҳар йили 42 минг гектар ҳажмда ўрмонзорлар барпо этилади.

Айтиш керакки, тўқсон фоиз янги ўрмонлар чўл ҳудудида барпо этилмоқда. Орол денгизининг қуриган тубида, Бухоро ва Хоразм вилоятининг чўл ҳудудларида янги саксовулзорлар, тўқайлар юзага келаяпти. Шунингдек, пойтахтимиз, шаҳар ва қишлоқлар, кўча ва хиёбонлар, йўл четлари игна баргли дарахтлар билан безанмоқда.

«ЯШИЛ ҚАЛҚОН»ЛАР

Сир эмас, ўтган асрнинг етмишинчи йилларида чўлларни ўзлаштириш туфайли «яшил қалқон»ларга путур етди. Бунинг бир оқибати сифатида Орол денгизининг қуриган тубидан йилига тонналаб тузли қум-тўзонлар ҳавога кўтарилиб, узоқ-узоқларга дахл қилганини эслаш кифоядир. Шу маънода, яшил ҳудудлар яратиш, ўрмонзорларни кенгайтириш борасидаги эзгу ишлар ғоятда қимматлидир.

Ҳозир республикада «яшил қалқон»лар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўрмончилик Бош бошқармаси Бухоро вилояти ҳокимияти билан ҳамкорликда Қизилқум саҳросида, Зарафшон воҳасининг чўл ҳудудлари — Томди ва Учқудуқ туманларида ҳар йили 5 минг гектар «яшил қалқон» барпо этишмоқда. Биргина Оролбўйида 1020,34 гектар «яшил қалқон» яратилди.

— Баландлиги бир метр келадиган иҳота дарахтлари ўн метр ердаги экинни қум кўчкисидан асрайди, — дейди Мўйноқ туман ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати, ЎзХДП фаоли Жарилқап Турсунбеков. — Уларнинг баландлиги 15-20 метр бўлса, 150-200 метр майдондаги қишлоқ хўжалиги экинларини кучли шамол тўзонлардан сақлаб туради. Бугун биз барпо этаётган ўрмонзорлар ҳудудимиз истиқболини белгилайди, юртимизни янада обод этади.

Олимлар ўрмон билан қопланганлик кўрсаткичи юқори ҳудудда микроиқлим вужудга келишини таъкидлайди. Бундай жойда одамларнинг иш унумдорлиги ошади, сув тежалади, қишлоқ хўжалик экинлари маҳсулдорлиги ўсади. Ўрмон ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, албатта, экилган ниҳол ўз-ўзича қўкармайди. У катта меҳнат ва парвариш, меҳр талаб этади. Шу маънода, ҳар бир дов-дарахтни, хиёбон ва боғларни, ўрмонзорларимизни асраб-авайлаш вазифамиздир. Оилада табиат тарбиясига эътибор бериб, ўғил-қизларимизни ҳар бир гиёҳни кўз қорачиғидек асрашга ўргатсак, ҳар йили кўкламда боғ-роғлар кўлами кенгайишига муносиб ҳисса қўшсак, она табиат олдидаги қарзимизни узган бўламиз. Бу эса она юрт ободлигига хизмат қилади.

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

қўллаб-қувватланмоқда

олиш манбаи, балки юзлаб янги иш ўринлари, оилалар фаравонлиги гаровидир.

Банк қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқарувчи асосий куч ҳисобланган фермерларнинг суянчи ва таянчига айланган. Фермерларга банк кредитлари ҳисобидан 80 та қишлоқ хўжалиги техникалари харид қилишлари учун 265,9 миллион сўмлик кредитлар ажратилди. Ушбу берилган кредитлар ҳозир ўз самарасини бермоқда. Фермер хўжаликлари эндиликда экин майдонларига ўзларининг техникалари ёрдамида ишлов бермоқда.

Бу ўз навбатида етиштирилган ҳосилнинг таннархи камайишига ва даромадларининг кўпайишига олиб келмоқда.

Фермер хўжаликларида иссиқхона ташкил қилиш учун 20 миллион сўмлик, наслли қорамол олиш учун 171,1 миллион сўмлик кредитлар ажратилди.

Ҳозирги вақтда энг оммабоп банк хизмати турларидан бири узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни сотиб олиш имкониятини берувчи истеъмол кредити ҳисобланади. «Агробанк» ОАТБ Хоразм вилоят бошқармаси томонидан 48 дан ортиқ мижозга 173 миллион сўмдан кўпроқ истеъмол мақсадлари учун кредитлар берилди. Шу жумладан, 12 та ёш оилага 58 миллион сўм миқдорида истеъмол кредитлари ажратилди. Бу билан ёш оилаларнинг фаровон турмушини таъминлашга ҳисса қўшилди.

Президентнинг 2008 йил 19 ноябрдаги «Иқтисодий ночор корхоналарни банк балансига олиш тўғрисида»ги фармойишига кўра, Урганч шаҳар «Хоразммахсустузатиш» ОАЖ 3 миллиард 249 миллион сўм тугатиш қийматида мулкий мажмуа ҳолида «Агробанк» ОАТБнинг ҳудудий филиали ва Боғот туман «Машина трактор парки» давлат акциядорлик жамияти қарийб 1 миллиард 450 миллион сўм тугатиш қийматида мулкий мажмуа ҳолида «Агробанк» ОАТБнинг Боғот туман филиали балансига ўтказилган.

Бизнес режага асосан «Агромахсустузатишсозлаш» МЧЖда 135 та янги ишчи ўрни очиб, иш ҳажмини ўтган йилгига нисбатан 2-2,5 баробар ошириш учун инвестиция лойиҳасига асосан 200 миллион сўм маблағ ажратиш режалаштирилган. «Агробанк» ОАТБ томонидан «Агромахсустузатишсозлаш» МЧЖнинг устав капиталига ҳозирги кунда 74 миллион сўм инвестиция маблағлари киритилди ва 126 миллион сўм инвестиция маблағлари киритилиши режалаштирилган. Ҳозирги кунда корхонада КЕЙС русумли ғалла ўриш комбайнларининг 16 та тури ва КЛАСС комбайнларининг 31 та тури учун эҳтиёт қисмларини конструкторлар томонидан ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу кунгача жамият томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот 517,7 миллион сўмни ташкил қилмоқда.

«Агробанк» ОАТБ томонидан «Bogot Agro» МЧЖнинг устав капиталига ҳозирги кунда 134 миллион сўм инвестиция маблағлари киритилди ва 666 миллион сўм инвестиция маблағлари киритилиши режалаштирилган. 43 та янги ишчи ўрни яратиб, иш ҳажмини ўтган йилгига нисбатан ошириш мақсадида инвестиция лойиҳасига асосан 800 миллион сўм маблағ киритиш, молиявий соғломлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда фермер хўжаликларига сифатли техник хизматлар кўрсатиш мақсадида замонавий техникаларни сотиб олиш режалаштирилган. Жамият томонидан кўрсатилган хизматлар миқдори қарийб 95 миллион сўмни ташкил қилмоқда. Бозор ҳудудида фаолият юритаётган махсус кассалар орқали ўрнатилган компьютер дастурлари ёрдамида бозорда савдо қилувчи сотувчиларнинг патта пулларини автомобиль тўхташ жойларидан тушадиган ва бошқа пуллик хизмат кўрсатувчи субъектларидан накд пуллар қабул қилинмоқда.

Банкнинг хизмат турларидан яна бири аҳолининг узоғини яқин қилишдир. Шу мақсадда Western Union ва Contact пул ўтказмалари жорий қилинди. Жорий йил 1 сентябрь ҳолатига йил бошига нисбатан аҳолининг талабидан келиб чиққан ҳолда ўтказмалар миқдори 5 баробарга ошди.

Вилоят бошқармасининг 12 та филиали ва 59 та мини банки ва 9 та махсус кассаси фаолият кўрсатмоқда. Бу банк фаолияти кўламининг кенгайиши учун қулай имкониятлар яратади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларидан келиб чиқиб, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига 1125 та терминал ўрнатилди. Мазкур терминаллар орқали жорий йил 1 сентябрь ҳолатига 55308 миллион сўм маблағ айланди. Банкнинг туман филиаллари томонидан мижозларга 90051 та пластик карточкалар тарқатилди. Ҳозирга келиб банк мижози ҳисобланган 310 та корхона ва ташкилотларнинг ишчи-ходимлари иш ҳақларини фақат пластик карточкалар орқали олмоқдалар. Натижада вилоятда накд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ортди.

Мижозларга қулайликлар яратиш мақсадида аҳолининг коммунал хизматлардан қарздорлигини камайтириш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Қарзларни истеъмолчиларнинг аризасига кўра, иш ҳақи, пластик карточка ва омонатларидаги маблағлар ҳисобига ундириш яхши йўлга қўйилди. Бу тадбир ҳам самарали эканини кўрсатди.

Мижозларга молия-кредит амалларини бажариш асосида банк хизматлари кўрсатиш молия муассасаларининг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бу бозорни истеъмол моллари билан тўлдириш, экспортбоп ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда шу орқали янги иш ўринлари барпо қилиш, умуман олганда мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга ҳисса қўшишда муҳим ўрин тутади. Ана шу тамойил асосида иш юритаётган вилоят бошқармасининг жами кредит қўйилмалари жорий йил 1 сентябрь ҳолатига 78974,5 миллион сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич йил бошига нисбатан 106 фоизга ўсган. Жами кредит қўйилманинг 14,9 фоизини қисқа ва 85,1 фоизини узоқ муддатли кредитлар ташкил қилади.

Ушбу кредит қўйилмаларининг 65,8 фоизи қишлоқ хўжалиги, 3,5 фоизи саноат, 3,8 фоизи савдо ва хизмат кўрсатиш, 10,8 фоизи моддий-техника таъминотига ва 16,1 фоиздан ортиғи бошқа соҳаларга йўналтирилди.

Хулоса қилиб айтганда, бугун «Агробанк» ОАТБ Хоразм вилоят бошқармаси етакчи тармоқ бўлган агросаноат мажмуига, балки барча соҳаларда фаолият юритувчи мижозларга сифатли банк хизмати кўрсатмоқда. Бу унинг юксак салоҳиятидан далолат беради.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

AGROBANK

Хорижда

Ўн бешдан юқори ёшдагилар

текширувдан ўтишлари лозим

Франция Соғлиқни сақлаш вазирлиги жорий йилнинг декабрь ойидан 15 ёшдан 70 ёшгача бўлган барча фуқароларга ОИВ (одам иммунтанқислиги вируси)га қарши тиббий текширувдан ўтишни тавсия этди. Мазкур текширув вазирлик томонидан ишлаб чиқилган ОИВ/ОИТСга қарши кураш миллий дастури доирасида амалга оширилади.

«Le Parisien» нашрида чоп этилган маълумотларга кўра, мамлакатда йилига 6 мингдан 7 минггача ОИВга янги чалинганлар қайд этилади. Бундан ташқари, эпидемиологларнинг айтишларича, мамлакатда тахминан 50 минг киши ОИВ инфекциясини ташувчилар ҳисобланади. Бироқ буни уларнинг ўзлари билмайди.

Текширув чораларини ўтказишдан асосий мақсад ОИВнинг бошқаларга юқишини камайтириш, ОИВ/ОИТСдан ўлиш ҳолатларини эса 20 фоизга қисқартиришдир.

Давлат дастурини молиявий қўллаб-қувватлаш учун Франция ҳукумати 5 йилга 1 миллиард евро миқдорида маблағ ажратмоқчи.

Пойтахтда ва уч музофотда

фавқулодда ҳолат сақланиб турибди

Бугунги кунда Таиланд пойтахти Бангкоқда ва унга яқин уч музофотда жорий йилнинг апрелида мамлакат ҳукумати томонидан эълон қилинган фавқулодда ҳолат сақланиб турибди. Ҳукумат яқинда бу тартибни яна уч ойга узайтирди.

Аслида фавқулодда ҳолат мамлакатнинг учдан бир қисмини ташкил этувчи шимолий ва шимоли-шарқий ҳудудлардаги кўпгина музофотларда (мухолиф кучлар таъсири кучайган ҳудудлар) жорий этилган эди. Июнь ойидан бошлаб вазият барқарорлашган музофотларда бу тартиб бирма-бир бекор қилиб келинмоқда.

«Bangkok Post» газетаси эслатишича, апрель-май ойларида Бангкокда ва унга яқин музофотларда мухолифат тарафдорлари, яъни юз минглаб «қизил кўйлаклилар» бош вазир Апхисит Ветчачива истеъфосини ва навбатдан ташқари қайта парламент сайловлари ўтказилишини талаб қилиб, норозилик намойишлари уюштирган эди. Намойишчилар ва ҳукумат қўшинлари ўртасида юзага келган тўқнашувлар натижасида 89 киши ҳаётдан кўз юмган, 2 мингдан ортиғи турли даражада тан жароҳати олган, 40 дан зиёди эса бедарак йўқолган.

Фавқулодда ҳолат амалда сақланиб турган ҳудудларда 5 кишидан ортиқ одамнинг бир жойга тўпланиши тақиқланади. Бундан ташқари, ҳозир ОАВ устидан қаттиқ назорат ўрнатилган. Мухолифатнинг оммавий ахборот воситалари фаолияти эса тўхтатиб қўйилган.

Тақиқлов чораси

келгуси йилдан жорий этилиши мумкин

Еврокомиссия Европа Иттифоқига аъзо 27 та давлатда сигарет чекишни тақиқлаш чорасини назарда тутувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни келгуси йили Европа Иттифоқи кенгаши ва Европарламент эътиборига ҳавола этади.

Агар улар бу ҳужжатни тасдиқласа, келгуси йилдан эътиборан Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг жамоат жойларида, яъни кўчаларда, маданият ва истироҳат боғларида, ресторану кафеларда, ўқув муассасаларию иш жойларида сигарет чекиш қатъий тақиқланади.

«EUobserver» интернет-газетаси хабарида қайд этилишича, айни пайтда Европа Иттифоқига аъзо кўпгина давлатларда чекиш қисман ёки бутунлай тақиқланган.

Статистик маълумотларга кўра, айнан сигарет чекиш орқасидан юзага келадиган касалликлар туфайли йилига 650 минг европалик ҳаётдан кўз юммоқда.

Аббос Атоев:

«ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСЛИГИМИЗНИ ИСБОТЛАШИМ КЕРАК ЭДИ!..»



Ўзбекистон ифтихорлари

■ 2007 йил 3 ноябрь. АҚШнинг Чикаго шаҳрида бокс бўйича жаҳон чемпионати финал учрашувлари бўлаяпти. Голибликка даъвогарлар орасида Ўзбекистон терма жамоасининг ягона вакили, бухоролик чарм қўлқоп устаси, 21 ёшли Аббос Атоев ҳам бор...

Кўпчилик учун кутилмаганда ҳамюртимиз кескин жангда Россия вакилини енгиб, жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Ўзбекистонда у катта шоду хуррамлик билан кутиб олинди. Орадан бор-йўғи беш кун ўтиб, Аббос Атоевни «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотлаш, унинг мураббийи Олим Муҳаммедовга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони бериш тўғрисида Президент Фармони чиқди. Матнни ўқиган ҳар бир кишининг қалби ғурурга тўлади, кўзига севинч ёшлари қалқади. Ким бунга шубҳаланса, овоз чиқариб ўқисин, ўшанда чуқурроқ ҳис этади фахр-ифтихорни.

«Бокс бўйича жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритиб, мардлик ва жасорат намунасини намоён этгани, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, ёш авлодни жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш, ўзбек бокс мактаби анъаналарини янада юксалтиришга қўшган улкан ҳиссаси учун бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Аббос Абдураззоқович Атоев «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотлансин».

Ўзбек халқи зўрга тан беради. Вобкент туманининг Кўлхатиб қишлоғида туғилган оддий қишлоқ йигити ёш бўлишига қарамай, ўзини элга тан олдирди. Қойил денг, офарин денг, отангга раҳмат денг...

Аббос Бухорога Президент совғаси — оппоқ «Нексия» машинасини миниб келди. Унинг қучоғи гулларга тўлди. Кийдирилган зарбоф тўн қуёвлик либосидай ярашди. Отаси Абдураззоқ ака кутиб олишга пешвоз чиққанларга миннатдорчилик билдириб, фарзандини такрор-такрор бағрига босди. Кўлхатиб қишлоғидагилар ўзларидан чиққан чемпионни бошларига кўтаришди. Кўйлар сўйилди, дошқозонлар қайнади.

2007 йил 29 ноябрь куни Галаосиёда Бухоро тумани ҳокимлиги мажлислар зали одатдагидан ўн чандон гавжум бўлди. Президентимиз Ислом Каримов Бухоро вилояти сайловчилари билан сайловолди учрашуви ўтказди. Тадбирда олд қаторда ўтирган алпқомат Аббос Атоев Президентимиз диққатини тортди. У минбарга чақирилди.

— Финал жанги олдидан кўнглингдан нималар кечди? — сўради Президент.

— Фақат ғолиб бўлиш истаги, — деди Аббос.

— Ростини айт, қўрқув ҳам бор эдими?

— Йўқ, ҳаяжон бор эди, холос.

— Жанг пайтида қандай ўй-хаёллар дилингдан ўтди?

— Фақат чекинмасликни ўйладим. Ўзингиз айтганингиздек, ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва кам бўлмаслигимизни исботлашим зарур эди, шунга интилдим!

— Баракалла, азамат!... — деди Президент. — Аббосга ўхшаган юрт ўғлонлари ҳақида журналистларимиз тўлиб-тошиб ёзишлари керак!

Ҳамма ўрнидан туриб, қарсак чалди. Мен эса лафзи ҳалол, довюрак ўзбек ўғлони шаънига қарсак чала туриб, Юртбошимиз чеҳрасидан нигоҳимни узмадим. У кишининг юзидан фахр-ифтихор, розилик туйғулари таралиб турарди.

Учрашувдан сўнг Аббосдан икки оғиз сўз олай деб, унинг ортидан чиқдим. Спортчилар пардозсиз гапиришини яхши биламан. Аббос ҳам шу феъл-атвор эгаси экан.

— Ўзбекистон бокс жамоасидан фақат мен 81 килограмм вазнда финалгача етиб бордим, — деди у. — Энг сўнгги умид мен эдим. Ёлғиз умид... Ҳеч ким Чикагони томоша қилиб келаман деб бормаган. Қисқаси, томоша юракка сиғмаган кунлар бўлди. Бирин-кетин сафдошларим рингни мағлуб ҳолда тарк эта бошлагач, барчанинг бошини хам кўришни орият деб билдим. Россиялик истеъдодли боксчи Артур Бтирбеев билан кечган финал жангида ортга чекинишга йўл йўқлигини ҳис қилиб турардим. Байроғимизнинг олдида узоқ тикилиб турдим. Миллионлаб юртдошларим, ота-онам, қадрдон қишлоқдошларим кўз олдимдан ўтди. Мен юртга совға қилмоқчи бўлган катта ҒАЛАБА бир қадам нарида эди. Жанг бошланди. Бтирбеев биринчи, иккинчи раундларни эҳтиёткорлик билан ўтказмоқчи бўлди, шекилли, қулай пайт пойлаб вақт ўтказди. Бу орада мен тузуккина очко ишлашга муваффақ бўлдим. Учинчи раундда Бтирбеевнинг «кўзи очилди». Тўртинчи раунд олдидан танаффус пайтида жамоадошларимнинг, мураббийнинг умид билан тикилган кўзларига қараб, аланга олдим, десам, ишонинг. Билмадим, у алангамиди, ишончмиди, ажрата олмайман. Галаба қозонганим эълон қилинганида қувончдан кўзларимга ёш келди. Жаҳон чемпиони бўлганимни ҳис қилдим, бу юксак чўққига чиқиш учун чекилган 11 йиллик машаққатлар, оғир-оғир синовларни бир зумда унутдим. Бу ютуқ нафақат менинг, балки ўзбек боксчиларининг ютуғи эди. Биз ёруғ юз билан Ватанга қайтдик.

Руфат Рисқиев, Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг эришган ютуқларига ҳавас қилиб юрардим. Аллоҳ насиб этганига шукр! Эришган зафаримни юксак қадрлаган давлатимиз раҳбари Ислом Каримовдан беҳад миннатдорман. Ҳурмат ва эҳтиром ифодаси сифатида юксак мукофот билан тақдирланганим — менга руҳий мадад бахш этди. Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини оламга ёйишга, миллатимиз шаънини улуғлашга бутун куч-ғайратимни сафарбар қиламан.

Аббос яп-янги, оппоқ «Нексия»сини ўт олдирди. Ёнига мураббийи Олим Муҳаммедов ўтирди. Хайрлашдик.

Аббос олимпиада мусобақаларига тайёргарлик кўриш билан банд эди. Катта умид қилиб турганимиз — Пекин олимпиадасида Аббос Атоевнинг омади келмади. Машғулотлар даврида бармоқлардан жароҳатланганги ўз таъсирини кўрсатди. Сўнгра, орадан бир йил ўтгач, унинг мураббийи Олим Муҳамедов билан учрашдик. Аббосни суриштирдим.

— У жаҳон чемпионатига ҳозирлик кўраяпти, — деди таниқли мураббий Олим Муҳамедов.

Дарҳақиқат, 2009 йил сентябрининг биринчи ўн кунлиги Италиянинг машҳур Милан шаҳри жаҳоннинг 130 дан зиёд мамлакатидан бокс юлдузларини ўзига чорлади. Ҳар бир вазнда ғолиблик учун олтита жанг ўтказилиши кучли рақобатдан далолат эди.

Бу гал 75 килограмм вазнда рингга кўтарилган боксчимиз биринчи жангда ганалик рақибига «Олимпиада ўчини олишга келганман», деган тушунчани бериб қўйди. Кейинги баҳсларда Япония, Бразилия ва германиялик чарм қўлқоп усталарини сафдан чиқариб, ярим финалга йўлланма олди. Ҳиндистон вакили билан кечган баҳс Аббосни янада ҳушёр торттирди. Аввалига бир-икки зарба ўтказиб юборди, сўнгра ўзини ўнглаб олиб, ҳужумга ўтди. Тезкор, аниқ ҳаракатлари туфайли 14:7 ҳисобида ғалаба қозонди.

Арманистон вакили А.Акопян билан бўлган жангда Аббос «очилди». Рақибидан анча устунлигини намоён қилди — 9:0! Аббос Атоев жаҳон чемпионатининг олтин медалига иккинчи бор сазовор бўлди. Президентимиз томонидан «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони билан тақдирланди.

Яқинда моҳир боксчи Аббос Атоев билан суҳбатлашиш мақсадида унинг мураббийига кўнғироқ қилдим.

— У ноябрь ойида Гуанжоу (Хитой)да бўлиб ўтадиган Осиё ўйинларига тайёргарлик кўрмоқда, — деди Олим Муҳамедов. — Аббос совринлари жамғармасини қитъа олимпиадаси олтин медали билан бойитмоқчи!

— Ниятига етсин, омад ёр бўлсин! — дедим.

Аббос Осиё ўйинларида ҳам халқимизни хурсанд қилишига ишонамиз. Чунки уни бутун эл-юрт қўллаб турибди.

Дилмурод ЖАББОР

Китоб жавонингизга

«Яхши яшаш сири»

■ «Яхши яшаш сири», «Дунёдаги буюк мўъжиза», «Акабар «Умиднома»си» каби 14 та китоби ўттиздан ортиқ тилга таржима қилиниб, кўплаб мамлакатларда миллионлаб нусхаларда нашр этилган америкалик машҳур ёзувчи Ог Мандино (1923-1996)нинг ҳаёти ҳамиша равон кечмаган. У ҳам ишда омадсизликка учраган пайтида ташвишларни унутиш мақсадида оз-оздан ароқ ичиб турган ва охир оқибат инсон умрини бутунлай барбод қиладиган бу бало-қазо домига тушган.



«Ишдан кейинги «бир стакан» тез орада иккитага, тўрттага, олтитага ортди. Оқибат, ўзимнинг бу ахмоқлигимдан панд едим. Хотиним қизимни олиб уйдан кетиб қолди. Эр бўлиб эр, ота бўлиб отага ўхшамаган мендек бир кимса билан азоб-уқубат чекиб яшаш уларнинг сабр косасини тўлдириб юборганди. Дунёдаги суюкли одамларим мени тарк этгач, ичкиликка мук кетдим. Бу меҳнат қобилиятимни йўқотгунча давом этди. Мени ишдан ҳам, уйдан ҳам ҳайдашди. Бошим оққан томонга қараб йўл олдим.

Шундан сўнг мен бир неча ой мамлакат бўйлаб дайдиб юрдим, қорин тўйғазиш ва арзон ичкилик учун дуч келган ҳар қандай ишга қўл урдим. Техасда машинада бензин ташидим, Оклендда қурувчилик қилдим... Кўчада ёмғир остида дийдираб пана жой ахтардим ва жамоат кутубхонасига кириб қолдим.

Онам мени барча саволларга жавобни китобдан излашга ўргатган эди. Шунинг учун мен яна кўп вақтимни шу осойишта масканда китоблар билан ўтказа бошладим. Мен жавоб излардим. Қаерда адашдим? Турмушимни ўзгартира оламанми? Ўттиз беш яшар пиёниста ва омадсиз одам учун кеч эмасмикан? Мен яхшироқ яшаш мумкинлигини билардим. Арасту, Афлотун, Норман Пил, Франклин, Карнеги каби кўплаб донишмандлар устозимга айланди. Ажойиб кунлардан бирида кутубхонада турмушимни батамом ўзгартириб юборган китобни қўлга олдим. Китобни бир ўтиришда ўқиб тугатдим ва ҳар бир боб охиридаги «амал қилиш керак бўлган фикрлар» ёд бўлиб кетмагунча қайта-қайта ўқийвердим», — деб ёзади у «Яхши яшаш сири» китобида.

Шундан кейин Ог Мандино оддий суғурта идорасига оддий хизматчи бўлиб ишга киради. Бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўпроқ ишлай бошлайди. Турмушни яхшиланди, лавозими кўтарилди. «Чексиз муваффақият» журналига масъул муҳаррир этиб тайинланди. Астойдил меҳнати туфайли журналнинг адади ўн йил ичида 2 мингдан 155 мингтага кўпаяди. Муҳими, бу даврда унинг ижодий тажрибаси ошади, материалларни тайёрлаш жараёнида «қалами чархланади». Ўзи ҳам кишилар турмушини яхшилашга ёрдам берадиган маънавий-маърифий тавсиялари жамланган китоблар ёза бошлайди.

«Яхши яшаш сири» шундай китобларидан бири бўлиб, унда берилган ўн етти қоидада Арасту, Сенека, Аврелий каби донишмандларнинг ҳикматларидан, Марк Твен, Лев Толстой, Уолт Уитмен сингари ёзувчиларнинг хулосаларидан, машҳур рассом Албрехт Дюрер, таниқли актёр Лилиан Рот, моҳир бейсболчи Хенк Аарон ҳаётидан олинган мисоллардан унумли фойдаланган ҳолда, муаллиф сизни муваффақият қозонишингизга халақит бераётган зарарли иллатлардан тезроқ қутулишга ва улар ўрнини яхши одатлар билан тўлдиришга ундайди. Хуллас, китобни ўқир экансиз, «Яхши яшаш учун, кўпроқ пул топиш учун нима қилиш керак?» деган саволга жуда оддий ва таъсирчан «Ишла!» деган жавоб оласиз. Дарҳақиқат, дунёда ҳеч нарсага эриша олмаган икки тоифа бор: биринчиси, қилиш керак бўлган ишни қилмайдиган одамлар; иккинчиси, қилиш керак бўлганидан ортиқ ҳеч нарса қилмайдиган одамлар.

Муаллиф «Яхши яшаш сири» китоби орқали сизга шундай мурожаат қилади: «Ҳеч ким муваффақиятга ёлғиз бир ўзи эриша олмайди. Буюк ишларни амалга ошириш ёки шахсий ташвишлардан қутулиш учун ҳаммага ёрдам керак. Бирон-бир инсон орол янглиғ якка-ёлғиз яшай олмайди. Ўз муваффақиятларига ўзи замин яратган биронта эркак ё аёл йўқ, шунинг учун сизга ёрдам беришимга ижозат этинг». Ишончимиз комил, сиз унинг ёрдамини (китобини) қабул қиласиз. Китоб Асрор Мўмин ва Баҳодир Комил томонидан ўзбекчага ўгирилди ва Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида кўп нусхада чоп этилди.

Малика УБАЙДУЛЛАЕВА

«Аргентинадан ғалаба билан қайтамиз!»

■ Бугун Креспо (Аргентина) шаҳрида футбол бўйича ампутантлар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати бошланади

Унда дунёнинг энг кучли ўн саккиз терма жамоаси ғолиблик учун кураш олиб борди. Анвар Исмоилов бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон терма жамоаси мазкур нуфузли мусобақанинг амалдаги чемпиони саналади. 2007 йилнинг ноябрида Анталия (Туркия)да ўтказилган охирги жаҳон чемпионатида муваффақиятли тўп сурган ҳамюртларимиз бош совринни қўлга киритишган. Ўшанда Ўзбекистон терма жамоаси финалда россияликларни 2:1 ҳисобида доғда қолдиришганди.

Мусобақада қатнашчилар тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда баҳсларни бошлайди. Ўзбекистон терма жамоаси «В» гуруҳида Бразилия, Эрон ҳамда Нигерия вакиллари билан тўп суришади. Ҳамюртларимиз дастлабки учрашувни 17 октябрь куни Нигерия терма жамоасига қарши ўтказишади. Орадан бир кун ўтиб, бразилияликлар ҳамюртларимиз рақиби бўлса, 19 октябрда Эрон терма жамоасига қарши ўтадиган ўйин билан гуруҳ баҳслари ўз ниҳоясига етади.

Қолган гуруҳлар эса қуйидагича кўриниш олган:

«А» гуруҳи: Аргентина, Украина, Франция, Япония, Гаити.

«С» гуруҳи: Туркия, Сальвадор, Гана, Либерия, Жазоир.

«Д» гуруҳи: Россия, Англия, Ангола, Сьерра-Лионе.

Ҳар бир гуруҳдан энг кучли икки жамоа чорак финалга йўлланма олади.

— Ўтган икки йил мобайнида жамоамиз Россияда ўтказилган бир қатор йирик халқаро турнирларда иштирок этиб, ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олди, — дейди Анвар Исмоилов. — Бу галги жаҳон чемпионатига ҳам пухта ҳозирлик кўрдик. Чунки мусобақага амалдаги жаҳон чемпиони сифатида ташриф буюрамиз. Мақсадимиз чемпионликни ўз қўлимизда сақлаб қолишдир. Шу боис, 2007 йилда эришилган муваффақиятга катта ҳисса қўшган жамоа ўзаги сақланди. Футболчиларимиздан Қудрат Худойқулов, Абдужамил Шукуров (иккиси ҳам «Динамо» Барнаул), Азиз Абдураҳмонов («Олимпро» Москва)лар айни пайтда Россия клубларида тўп суришмоқда.

Мамлакатимиз терма жамоаси таркибидан қуйидаги футболчилар ўрин олган:

Дарвозабонлар — Зоҳид Тошхўжаев, Қудрат Тўрахўжаев; **ҳимоячилар** — Аъзам Исматов, Умарали Рустамов, Муҳаммадазиз Арабов, Азиз Азимов; **ярим ҳимоячилар** — Павел Сулаймонов, Абдумалик Абдуҳамидов, Ҳайдарали Турсунбоев; **ҳужумчилар** — Абдужамил Шукуров, Азиз Абдураҳмонов, Қудрат Худойқулов.

Эркин ХОЛБОБО

■ Шу кунларда пойтахтимиздаги Республика Олимпия захиралари теннис мактабида давом этаётган «Челленжер» халқаро турнири қизғин паллага кирди.

CHALLENGER 2010 TASHKENT

Ҳал қилувчи учрашувлар

Унда ракеткачиларимиз Мурод Иноятов ҳамда Фаррух Дўстовларнинг иккинчи босқич баҳсларига йўлланма олганлигини хабар қилгандик. Мурод Иноятов иккинчи даврада Андреас Хайдер-Маурер (Австрия)га қарши кортга чиқиб, (6/7(2), 2/6) имкониятни бой берган бўлса, Фаррух ўз муҳлисларини хурсанд этди.

Мазкур босқичда турнирнинг учинчи ракеткаси португалиялик Фредерико Жил ҳамюртимизга қарши кортга чиқди. Унда Фаррух Дўстов катта устунлик билан рақибини мағлубиятга учратди — 6/4, 6/1.

Огоҳлик – давр талаби

Одам савдоси — хатарли иллат

■ Ҳар бир инсон яхши орзу-умид билан яшайди. Ҳалол меҳнат қилиб, оилани боқиш, шу йўл билан жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга интилади. Аммо тўғри ва ҳалол меҳнат қилишдан қочиб, ғайриқонуний йўллар билан пул топиш, мол-дунё орттиришга ружу қўйган кимсалар ҳам йўқ эмас. Улар ўз манфаати йўлида ҳар қандай қабиҳ ва разил кирдикордан қайтмайдилар. Бугунги кунда ҳаммани ташвишга солаётган одам савдоси билан шуғулланаётган кимсаларни ана шундай тоифа қаторига қўшиш мумкин.

Уни сиз билан биз билган, одамлар ишончига кирган, аслида мунофиқ бўлган кимсалар содир этади. Улар асосан ёшларни ва аёлларни ўз домига тортмоқда. Халқаро экспертларнинг баҳолашича, дунё бўйича одам савдосидан тушадиган йиллик даромад жуда катта рақамни ташкил этади. Маълумотларга кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2 миллион 700 минг нафар инсон одам савдосининг жабрланувчисига айланмоқда. 600-800 минг нафар аёллар ва болалар алдов йўли билан чет элларга олиб кетилиб, сотиб юборилмоқда. Бундай жиноятлар, афсуски, республикамизда ҳам содир этилмоқда, фуқаролар турли алдов ва фирибгарлик қурбонига айланаяпти.

Қузатишлар ва хулосалар шуни кўрсатмоқдаки, одам савдосидан азият чекаётган жабрланувчилар орасида аёллар ва вояга етмаган ёшлар кўпроқ учрамоқда. Бу ҳол барчамизни янада ҳушёрликка чорлаши керак. Президентимизнинг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу жиноят билан боғлиқ таҳдидга қарши курашни янада кучайтиришга замин яратди. Биз бу борада амалга оширилаётган

чора-тадбирлари билан чекланмаслигимиз, тарғибот ишлари таъсирчанлигини ошириш йўллари ҳақида жиддий ўйлаб кўришимиз талаб этилмоқда. Айниқса, маҳаллаларга, ўқув масканларига эътибор қаратиш лозим.

Одам савдоси билан шуғулланувчи фирибгар тўдаларни ўргимчак тўрига қиёслаш мумкин. Унинг домига тушган мавжудот ўлжага айланади. Бу эса аянчли оқибат билан тугайди. Шундай экан, одам савдосига қарши огоҳ ва ҳушёр бўлиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Н.ФАЙЗИЕВА,
Зомин туман Давлат нотариал идорасининг катта нотариуси

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 225-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 225-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 235-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Bardambek SA'DULLAYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 949
7710 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 23.15
1 2 3 4
Sotuvda erkin narxda